



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасва Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Лазизахон Алиджанова БЕРУНИЙНИНГ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИККА ОИД ИЛМИЙ ЁНДАШУВИ.....	5
2. Шоҳрух Гулбаев ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТЎХОРИСТОН.....	9
3. G‘ulom Djumamurotov XVIII ASR VA XIX ASR BOSHLARIDA QORAQALPOQLARNING O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IQTISODIY ALOQALARI.....	13
4. Bahodir Isakov O‘ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY MEROSNING O‘RNI.....	20
5. Parvina Ismoilova TURKISTONGA RUS BANKLARINING KIRIB KELISHI (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI).....	24
6. Икрамжон Исмаилов ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй.).....	29
7. Парвиз Магеррамов ВЗАИМООТНОШЕНИЯ АЗЕРБАЙДЖАНА СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ОБЛАСТИ ТРАНСПОРТА.....	37
8. Sayyora Turayeva XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON MINTAQASIDA XORIJIY JAMIYATLARINING KONCHILIK SOHASIGA KIRIB KELISHI TARIXIDAN.....	44
9. Дмитрий Епифанов ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА ПРЕПОДАВАТЕЛЕМ ПО ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА НА ПРИМЕРЕ CHATGPT.....	55
10. Зебунисо Саидова ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЁШ-ЖИНСИЙ ТАРКИБИ ДИНАМИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР).....	65
11. Nishona Hasanova MARKAZIY OSIYODA BOG‘-XIYOBON SAN’ATI VA CHORVACHILIKNING RIVOJLANISH TARIXI.....	74
12. Ўткиржон Хошимов ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	79



Шохрух Мирзо Шухратович Гулбаев,
 таянч докторант,
 ЎзР ФА Миллий археология маркази
 E-mail: shgulbayev1991@gmail.com

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТҶХОРИСТОН

For citation: Lazizkhon A. Alidjanova. AL-BIRUNI'S APPROACH IN COMPARATIVE RELIGIOUS STUDIES. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 3, pp.9-12

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15132809>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф илк ўрта асрларда Амударёнинг юқори оқимида жойлашган Тўхористон ҳукмдорлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ўлкада зарб этилган тангаларнинг хилма-хил хусусиятини сайёҳ олимлар ёдномалари, ёзма манба ва замонавий адабиётларга таянган ҳолда ёритиб берган.

Тўхористон маданий ва иқтисодий жиҳатдан нафақат қўшни Сосонийлар Эрони, Сўғд ўлкаси, Ҳиндистон билан ҳам чамбарчас боғланган эди. Ўлкадан топилган археологик топилмаларда эллинизм, буддавийлик, зардуштийлик каби элементларни учратиш мумкин. Тўхористон бронза давридан то сўнгги ўрта асрларгача стратегик жиҳатдан муҳим, ўзбек давлатчилигининг шаклланишига, турли маданиятларнинг қоришувига хизмат қилган муҳим макон бўлганлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: қадимги давр, илк ўрта асрлар, Шимолий Бактрия-Тўхористон, кичик мулклик, Термиз, Чағаниён, танга, ёзув, бошқарув.

Шохрух Мирзо Шухратович Гулбаев,
 докторант,
 Национальный центр археологии АН РУз
 Электронная почта: shgulbayev1991@gmail.com

ТОХАРИСТАН В РАННЕЕ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье автор, опираясь на записи путешественников, письменные источники и современную литературу, раскрывает географическое положение Тохаристана, расположенного на верхнем течении Амударьи в раннем средневековье, его социально-экономическую жизнь, а также разнообразие особенностей монет, отчеканенных в этом регионе.

Тохаристан был тесно связан в культурном и экономическом отношении не только с соседним Сасанидским Ираном, но и с Согдийским регионом и Индией. Археологические находки в регионе обнаруживают элементы эллинизма, буддизма и зороастризма. Научно

доказано, что Тохарант был стратегически важным местом с эпохи бронзы до позднего Средневековья, местом, послужившим катализатором формирования узбекской государственности и местом смешения различных культур.

Ключевые слова: древний период, раннее средневековье, Северная Бактрия-Тохаристан, мелкое землевладение, Термез, Чаганиан, монета, письменность, управление.

Shohrukh Mirzo Sh. Gulbaev,
doctoral student,
National Center of Archeology of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
E-mail: shgulbaev1991@gmail.com

TOCHARISTAN IN THE EARLY MIDDLE AGES

ANNOTATION

In this article, the author explores the geographical location of the Tocharistan kingdom, situated on the upper course of the Amudarya during the early Middle Ages, its socio-economic life, and the diverse characteristics of the coins minted in the region, relying on the accounts of travel scholars, written sources, and modern literature.

Tokharistan was closely connected culturally and economically not only with neighboring Sassanid Iran, but also with Sogd and India. Archaeological finds from the region reveal elements of Hellenism, Buddhism, and Zoroastrianism. It is scientifically proven that from the Bronze Age to the late Middle Ages, Tokharistan was a strategically important place that served as a place of fusion of different cultures, contributing to the formation of Uzbek statehood.

Index Terms: ancient period, early Middle Ages, Northern Bactria-Tocharistan, small-scale landownership, Termez, Chaganian, coinage, writing, governance.

1. Долзарблиги:

Илк ўрта асрларда Шимолий Бактрия-Тўхористон стратегик жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар жадал кечган худуд ҳисобланган. Ушбу ҳукмдорликдан оқиб ўтувчи Амударё (Окс), Тўхористонни икки қисмга бўлиб, илмий адабиётларда “Шимолий” ёки “Ўнг қирғоқ” (Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий Тожикистон), “Жанубий” ёки “Чап қирғоқ” (Шимолий Афғонистон) [1, Б.123-126] деб аталган. Шимоли-ғарбий Бактрияда асосан ўтроқ аҳоли вакиллари истиқомат қилса, шимоли-шарқий Бактрияда эса аралаш, яъни ўтроқ-кўчманчи вакиллар яшашар эди. Араб манбаларида Ал-Машрик “қуёш чиқадиган жой” деб Ирокнинг шарқи, яъни Хуросон, Мовароуннаҳр, Тўхористон, Хоразм каби ерларга нисбат берилган [2, В.422].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрларга тегишли тангаларининг ўрганилиш тарихшунослиги қарийб 150 йиллик ўтмишга эга. Тўхористонда танга зарб этиш узок ўтмишга бориб тақалади. Ўзбекистонда исломдан олдинги бактрий тилли ва сўғдий ёзувли Тўхористон тангалари бўйича Э.В.Ртвеладзе, асосан кенг кўламли изланишлар олиб борган [3, Б.140-145]. Кейинчалик, Е.В.Лившиц ва Л.С.Баратова [4, Б. 21-26] ўлканинг сўғдий ёзувли устбосма (контрмаркали) тангаларини, шунингдек, ушбу тангаларни турклар Е.В.Зеймал [5, Б.122-127] билан боғлаган. А.Мусакаева ва А.Бердимуродов Сосоний ҳукмдорларига тақлидан чиқарилган кумуш тангалар бўйича тадқиқотлари диққатга сазовор [6, Б.137-144]. Ғ.Б.Бобоёров ва А.Кубатин каби олимлар Тўхористон тангаларида “тархон” каби туркий унвонлардан бирини ўқиганлиги диққатга сазовор [7, Б.3-13]. Қўшни Тожикистон Республикасида Д.Довудий [8, Б.35], хорижда М.Алрам [9], Р.Гёбл каби тилшунослар сўғдий ёзувли Тўхористон тангалари бўйича [10] салмоқли ишларни амалга оширишган.

3. Тадқиқот натижалари:

Илк ўрта асрларда Тўхористон Ғарбий Турк хоқонлигининг энг йирик ҳукмдорликларидан бири бўлиб, Та-ми (Термиз), Чъи-нгоҳ-ен-на (Чағониён), Су-ман (Кўлоб), Кио-ҳо-ен-на (Кўбодиён), Ху-ша (Вахш), Кҳо-то-ло (Хуттал), Киу-ми-то (Кумид), По-ҳо ёки Фоҳоло (Балх), Фо-Ки-Ланг (Бағлан), Хи-лу-сиҳ-мин-киэн (Руи Самингон), Ху-ши-киен (Жузжон), Та-ла-киэн (Таликан), Фан-ен-на (Бомиён), каби 27 майда русток (туман)лардан ташкил топган эди [11, Б.220].

Хитой йилномаларида Ту-ҳо-ло [12, Б.287] номи билан қайд этилган Тўхористон шимолдан жанубга тахминан 1000 ли ёки ундан кўп, шарқдан ғарбга 3000 ли улкан ҳудудни эгаллаган. Шарқда унинг чегараси Тсун-линг тоғлари (Помир), ғарбда Поли-ссе (Форс), жанубда Буюк қорли тоғлар (Ҳиндукуш) ва шимолда Су-ли (Сўғд) мамлакати ўртасидаги чегара Темир дарвоза билан чегараланган [13, Б.123] деб келтирилади. Шунингдек, буддавий ёдномаларда ўлкада кўп асрлар аввал қироллик йўқ бўлиб кетгач, бир нечта бошлиқлар ўз мулклари учун куч билан курашдилар ва ҳар бири мустақил равишда ўз мулкларини эгаллаб олдилар, улар бунда фақат мамлакатнинг табиий бўлинишларига таянадилар, аммо улар турк кабилаларига буйсунади [11, Б.171] деб эслатиб ўтилади. Шунингдек, Тўхористондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида буддавийлик ёдномаларида “иқлими иссиқ ва намлиги сабабли эпидемиялар устунлик қилади, кишининг охири ва баҳорнинг бошида ёмғир ўзаро боғлиқсиз ёғади, ерли халқнинг феъл-атвори оддий (сода) ва тўғри яхши ниятли кишилар, уларнинг тилидаги ҳарфлар сони йигирма бешта ва ёзувлари бутун саҳифа бўйлаб чапдан ўнгга ўқилади, кийим-кечаклари нозик пахта, баъзилари эса жундан ишлангани ва тўхористонлик қахрамон эркак ва аёлларнинг кийиниш услуби ва шунингдек, танга-пуллари бошқа мамлакатларникидан фарқ қилганлиги” [11, Б.37-38] ҳақида маълумотлар келтирилиб ўтилади.

Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) энг кучайган пайтда шарқда Шарқий Туркистон, Жануби-Ғарбий Олтой, ғарбда Шимолий Қора денгиз бўйлари, Шимолий Кавказ, шимолда Волгабўйлари ва Урал тоғлари, жануб ва жанубиғарбда Амударё-Сирдарё оралиғи, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Шимоли-Шарқий Эрон (Хуросон) [14, Б.6] ҳудудларини ўз ичига олган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Тўхористон илк ўрта асрларда Ғарбий Турк хоқонлиги таркибидаги йирик ҳукмдорликлардан бири ҳисобланиб, бу ерда зарб этилган танга-пулларда нафақат туркий давлатчилик титуллари (ҳоқон, тегин, тудун, тархон), юнон ва ерли аҳоли вакиллари тасвирлари (бақтрий, сўғдий), қолаверса Сосонийлар Эрони (Пероз) таъсирини ҳам яққол кўриш мумкин. Буни Ғарб Турк хоқонлиги кўл остидаги мамлакатларда бошқарув тизимида мавжуд ҳукмронлик, қолаверса асрлар давомида шаклланиб келган анъаналардан, кўшничилик таъсиридан бирдай фойдаланганликларидан кўриш мумкин. Хоқонлик Амударё-Сирдарё оралиғидаги Чоч, Ўтрор, Исфижоб (Сайрам), Фарғона, Уструшона, Сўғд

(Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Панжикент), Бухоро, Хоразм каби Тўхористон ҳукмдорлигига дастлабки даврларда бирмунча эркинлик бериб, кейинчалик ўз сиёсий-иқтисодий таъсирини аста-секинлик билан сезиларли даражада ўтказиб борганлигида кўриш мумкин.

4. Хулосалар:

Тўхористон маданий ва иқтисодий жиҳатдан нафақат кўшни Сосонийлар Эрони, Сўғд ўлкаси, Ҳиндистон билан чамбарчас боғланган эди. Ўлкадан топилган археологик топилмаларда эллинизм, буддавийлик, зардуштийлик каби элементларни учратиш мумкин. Бронза давридан то сўнгги ўрта асрлар стратегик жиҳатдан муҳим, ўзбек давлатчилигининг шаклланишига, турли маданиятларнинг қоришувига хизмат қилган муҳим макон ҳисобланган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры древность и средневековье. – Т. 1990. – С.123- 126 (Pugachenkova G.A.,

- Rtveladze E.V. Northern Bactria – Tokharistan. Essays on the history and culture of antiquity and the Middle Ages. – Т. 1990. – Р.123-126).
2. Ал-Камил Фи-т-таърих (“Полный свод истории”) Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камоллидина. – Т. 2005. – С.422 (Al-Kamil Fi-t-ta'rikh ("The Complete History") Translation from Arabic, notes and commentary by P.G.Bulgakov. Supplements to the translation, notes and commentary, introduction and indexes by Sh.S.Kamoliddin. - Т. 2005. - P.422).
 3. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии – Ўрта Осиёнинг қадимий тангалари. – Т. 1987. – С.140-145 (Rtveladze E.V. Ancient coins of Central Asia – ancient coins of Central Asia. – Т. 1987. – P.140-145).
 4. Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Средней Азии. – Т. 2002. – С.21-26 (Baratova L.S., Livshits V.A. On Sogdian countermarks on Sassanid coins and their imitations // Cultural heritage of Central Asia. - Т. 2002. – P.21-26).
 5. Зеймаль Е.В. Серебряные драхмы сасанидского образца в Северном Тохаристане (5-8 вв.) // Эрмитажные чтения 1986-1994 годов памяти В.Г.Луконина. – Санкт-Петербург, 1995. – С.122-127 (Zeymal E.V. Silver drachmas of the Sassanid type in Northern Tokharistan (5th-8th centuries) // Hermitage readings of 1986-1994 in memory of V.G. Lukonin. - St. Petersburg, 1995. - P.122-127).
 6. Мусакаева А.А., Бердимуратов А.Э. Клад из Сазагана // Археологические исследования в Узбекистане 2015-2017 года. Вып.11. Самарканд, 2018 – С.137-144 (Musakaeva A.A., Berdimuradov A.E. Treasure from Sazagan // Archaeological research in Uzbekistan 2015-2017. Issue 11. Samarkand, 2018 - P.137-144).
 7. Бабаяров Г., Кубатин А. “Тамги как источник по истории взаимоотношений Чача и Тохаристана в раннем средневековье (на основе нумизматического материала)”. O‘zbekiston tarixi, №1. Ташкент, 2010. – С.3-13 (Babayarov G., Kubatin A. “Tamgas as a source on the history of relations between Chach and Tokharistan in the early Middle Ages (based on numismatic material)”. O‘zbekiston tarixi, No. 1. Tashkent, 2010. – P. 3-13.).
 8. Давуди Д. Монетные находки в Таджикистане в 1987 г. // Археологические работы в Таджикистане. №34, – Душанбе, 2010 (Davoudi D. Coin finds in Tajikistan in 1987 // Archaeological works in Tajikistan. No. 34, – Dushanbe, 2010).
 9. Alram M. Iranisches Personennamenbuch: Nomina Propria Iranica In Nummis. – Wien, 1986.
 10. Göbl R. Dokumente zur Geschichte der Iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I. Wiesbaden; Alram M. Iranisches Personennamenbuch: Nomina Propria Iranica In Nummis. – Wien, 1967.
 11. Si-yu-ki. Buddhist records the Western world. Translated from the Chinese of Hsuan Tsang (A.D. 629). In two Volumes.Vol. I. – London. 1884. – P. 38-54.
 12. Зеймал Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 287 (Zeymal E.V. Ancient coins of Tajikistan. - Dushanbe: Donish, 1983. - P. 287).
 13. Альбаум Л.И. Балалык-тепа. – Ташкент: Фан, 1960. – С. 171 (Albaum L.I. Balalyk-tera. - Tashkent: Fan, 1960. – P. 171).
 14. Фарбий Турк ҳоқонлигининг давлат тузуми / Ғ.Бобоёров. – Тошкент: Yangi nashr, 2018. – Б.6 (The history of the Turkic peoples / G.Boboyorov. - Tashkent: Yangi nashr, 2018. - B.6.)

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000